

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 13/12-Т**

Нуробод ш.

«13» декабр 2022 йил.

"ДЖАЛОЛИДДИН БУНЁДБЕК БОГЛАРИ" МЧЖ корхонаси раҳбари Х.Ашуров, бундан буён матнда «Ижарага берувчи» деб аталадиган ва амалдаги Низомга асосан иш юритувчи, бир тарафдан ва Нуробод ТЙФУК директори М.Раимшукуров бундан буён келгусида «Ижарага олувчи» деб юритилади, иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартнома мазмуни.

1.1.

№	Транспорт русими	Давлат раками	Суммаси (ККС билан)
1	Экскаватор	30 717 DA	162 000 000

2. Шартноманинг баҳоси ва тўлов шартлари.

2.1. "Ижарага олувчи" транспортдан фойдаланганлиги учун "Ижарага берувчи" га кунига 1 800 000 сўмдан, жаъми тўксон кунга шартнома бўйича 162 000 000 сўм миқдорда ижара ҳақи тўлайди.

2.2. Ушбу шартномага кўра тўлов кийинги ҳар ойнинг 25 кунигача амалга оширилади.

3. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

3.1. "Ижарага берувчи" :

а) Ижарага бериладиган транспортни шартнома шартларига жавоб берадиган соз ҳолатда тегишли ҳужжатлари билан "Ижарага олувчи" га топшириши ва тўла фойдаланиш ҳуқуқини бериши;

б) Ижарага берилган техника иш жараёнида бузилса ижарага берувчи уз ҳисобидан таъмирлаб бериши шарт;

3.2. "Ижарага олувчи" :

а) транспортдан шартнома шартларига мувофиқ ва кўзланган мақсадларда фойдаланиши;

б) транспортни соз ҳолатда тегишли ҳужжатлари билан топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича қабул қилиб олиши;

д) ҳаракат хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига тўла риоя қилиши;

е) шартномада белгиланган муддатда ижара тўловларини тўлаши;

ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият кўрсатмаслик, транспорт воситасини бошқа шахсга бермаслик;

з) хавфли портловчи, гиёҳвандлик ва психотроп воситаларини, кимёвий ва радиактив моддаларни ташимаслик;

и) ноқонуний, ўғирланган, эгаси йўқ юкларни ташимаслик.

к) ташилаётган юкларни қонуний расмийлаштирилгандан сўнг ташиш;

3.3. Тарафлар шартнома шартларини бажармаганлиги учун мулкий жавобгардирлар.

3.4. Ҳисоб-китоб тартибини бузгани, ижара ҳақини "Ижарага берувчи" нинг кассасига ўз вақтида тўламагани учун "Ижарага олувчи" муддати ўтган ҳар бир кун учун умумий сумманинг 0,2 фоизи миқорда, умумий сумманинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда "Ижарага берувчи" га қўшимча равишда жарима тўлайди. Тўлов муддатини 30 кун муддатга кечиктирган тақдирда "Ижара шартномаси" бир томонлама бекор қилинади.

Жарима тўлаш тарафларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

3.5. "Ижарага олувчи" унга ишониб берилган транспорт воситасини сақлаши учун тўла моддий жавобгардир, шунингдек "Ижарага олувчи" томонидан ушбу шартнома шартлари бузилиши натижасида автомашина суд органлари томонидан "Жиноят қуроли" деб топилиб, уни давлат эгалигига ўтказилган ва транспорт воситаси ўғирлаб кетилган тақдирда "Ижарага олувчи" "Ижарага берувчи" га транспорт воситасининг мутахассис томонидан берилган хулосага асосан бозор харид баҳосини бир ойлик муддат ичида тўлик тўлайди, акс холда ушбу зарар суммаси суд органлари томонидан мажбурий тартибда қўшимча харажатлари билан ундириб олинади.

3.6. Ушбу шартномага фақат тарафлар келишувига асосан ёзма равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3.7. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

3.8. Мазкур шартнома 2022 йил «13» декабрдан юридик кучга эга бўлиб, 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

4. Низоларни хал этиш тартиби

4.1. Хар қандай келиб чиқадиган низоларни томонлар икки томонлама музокара йўли билан хал этадилар, бундай қелишишга эришиш мумкин бўлмай қолган тақдирда низолар бегиланган тартибда мавжуд конунчилик асосида ҳакамлик суди орқали хал этилади.

5. Алоҳида шартлар.

5.1. "Ижарага берувчи" "Ижарага олувчи"дан ушбу шартномага мувофиқ ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, белгиланган тартибда тўловни талаб қилишга ҳақли.

6. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»

Номи: "ДЖАЛОЛИДДИН БУНЁДБЕК БОГЛАРИ" МЧЖ

Manzili: Нуробод Сазаган МФЙ

СТИР (ИНН) 307511015

ХХТК (ОКНХ)

х/г: 20208000905244156001

Банк номи: Нуробод халк банки

МФО: 00740

«ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»

Номи: Нуробод ТЙФУК

Manzili: Нуробод шаҳри Галаба кучаси

ШХР: 470010860182357045193118001

СТИР (ИНН) 201151154

ХХТК (ОКНХ) 42110

Молия Вазирлиги Газначилиги

х/г: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бошқармаси

СТИР (ИНН): 201122919

МФО: 00014

Раҳбари:  **Х.Ашуров**

Ҳуқуқшунос: 

Директор:  **М.Раимшукуров**

Ҳуқуқшунос: 